



**МОНОПОЛИЯГА ҚАРШИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШДА
АХБОРОТ ШАФФОФЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ КЎРСАТКИЧЛАРИНИНГ
ТАҲЛИЛИ**

Холиқулов Анвар Нематович

**Самарқанд иқтисодий ва сервис институти “Иқтисодий таҳлил ва статистика”
кафедраси мудир, и.ф.н., профессор.**

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Самарқанд вилоятида олиб борилаётган монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришда ахборот шаффофлигини таъминлаш кўрсаткичларининг таҳлили келтирилган.

Калит сўзлар: Ахборот, алоқа, хизмат, хизмат кўрсатиш, хизмат кўрсатиш корхоналари.

**АНАЛИЗ ПОКАЗАТЕЛЕЙ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ПРОЗРАЧНОСТИ ИНФОРМАЦИИ ПРИ
СОВЕРШЕНСТВОВАНИИ СИСТЕМЫ АНТИМОНОПОЛЬНОГО УПРАВЛЕНИЯ**

Холиқулов Анвар Нематович

**Руководитель кафедры «Экономический анализ и статистика», Самаркандский
институт экономики и сервиса, доктор философии, профессор**

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлен анализ многогранности обеспечения прозрачности монополии при совершенствовании антимонопольной системы в Самаркандской области.

Ключевые слова: Информация, связь, сервис, сервис, сервисные предприятия.

**ANALYSIS OF INDICATORS ENSURING INFORMATION TRANSPARENCY IN THE
IMPROVEMENT OF THE ANTI-MONOPOLY MANAGEMENT SYSTEM**

Kholiqulov Anvar Nematovich

**Head of the Department of “Economic Analysis and Statistics,” Samarkand Institute of
Economics and Service, PhD, Professor**

ABSTRACT

This article presents an analysis of the multiplicity of ensuring the transparency of the monopoly in the improvement of the anti-monopoly system in the Samarkand region.

Key words: Information, communication, service, service, service enterprises.

Монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришда ахборот шаффофлигини таъминлаш кўрсаткичлари муҳим бўлиб ҳисобланади. Чунки ахборотлар қачонки, очик-ойдин бўлса, айниқса, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида қанчалик муҳимлигини ҳаммамиз биламиз. Ахборотлар очик шаффоф бўлишида энг асосий ўринни нарх кўрсаткичи бўлиб ҳисобланади. Рақобатлашишда нарх муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Аммо нархдан ҳам муҳимроқ омил бу таннархдир. Таннархни самарали бошқара олиш ҳисобига рақобатдаги устунликни таъминлаш мумкин. Таннархга таъсир қилувчи омиллар сифатида ишчи кучининг маошини камайтириш, сонини қисқартириш, хом-ашёни арзонроқ олиш каби чораларидан фойдаланиш мумкин. Аммо қуйидаги чоралар билан таннархда етакчилик қилиш самаралироқдир:

- 1) иқтисодий масштаб;
- 2) тажриба ёки ўрганиш иқтисодиёти;
- 3) ишлаб чиқариш дизайни;
- 4) маҳсулот дизайни.

Иқтисодий масштаб бу ишлаб чиқариш ҳажмининг ошиши ҳисобига ўртача ҳаражат миқдори камайишидир. Масалан: Ҳенри Форд автомобил заводи линия ишлаб чиқаришини



йўлга кўйиш орқали арзон автомобиллар ишлаб чиқаришни бошлаган. Ишлаб чиқариш заводи қанчалик катта бўлса ва ишлаб чиқариш қуввати максимал қўлланилса, шунчалик унинг иқтисодий масштаби катта бўлади.

Мутахассисликка ихтисослашиш ва тўғри йўлга кўйилган меҳнат тақсимоти иш унумдорлигини оширади. Тажриба ёки ўрганиш иқтисодиётида эса ишчи ходим бир хил ишни доимий равишда бажариши натижасида унда махсус кўникма ҳосил бўлиши ва кейинги сафар ҳар доимгидан тезроқ ва сифатлироқ бажаришига асосланади. Бу ҳолатни - тажриба қонуни деб ҳам аталади.

Ишлаб чиқариш дизайни ишлаб чиқариш жараёнини тўғри кетма-кетликда самарали йўлга кўйиш, иш оқимини меҳнат унумдорлигидан келиб чиқиб, тўғри тақсимлаш. Маҳсулот дизайни маҳсулотни тўғри қисмларга бўлиш, уни йиғиш, тузатиш ва фойдаланиш учун қулай дизайн кўринишига эга бўлишидир.

Иқтисодий қамров – бу йирик корхоналарнинг мавжуд ички имкониятларидан синергия эффекти ҳисобига янада самарали фойдаланиш ҳисобланади. Масалан, Самсунг компаниясининг илмий тадқиқот маркази электротехника соҳасида яратган ихтиросини бошқа категорияларда ҳам қўллаш мумкин. Жумладан, маиший техникадаги ихтиросини офис техникасида, ёки кemasозликдаги янгилигини қурилиш ёки автомобил саноатида қўллаш мумкин. Бу корхонанинг ички имкониятларини бир-бири билан изчил ва ҳамоҳанг тарзда ишлашини талаб қилади. Шу билан бирга, корхонанинг рақобатбардошлигини таъминлашга хизмат қилади.

Самарқанд вилоятида ҳам монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришда ахборот шаффофлигини таъминлаш борасида, тадбиркорликни ривожлантириш борасида бир қанча ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан қуйидаги 1-расмда самарали фойдаланиш чораси кўрилмаган давлат мулклар рўйхатида киритилган объектлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

1-расм. Самарали фойдаланиш чораси кўрилмаган давлат мулклар рўйхатида киритилган объектлар

Расм маълумотларидан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида жами бўш турган объектлар сони 938 тани ташкил қилади, ана шулардан самаралиси 89,4 фоизи (839 та), самарасизи 10,6 фоизни(99 та) ташкил қилмоқда. Самарали фойдаланиш чораси кўрилмаган давлат мулклар рўйхатида киритилган объектлар кўрсаткичи бўйича вилоятда Каттакўрғон шаҳри, Нарпай, Нуробод, Пахтачи туманларида яхши ташкил этилган, Иштихон, Қўшработ, Самарқанд, Пайариқ туманларида самарасиз ташкил этилганлигини кўришимиз мумкин.

Монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришда ахборот шаффофлигини таъминланса, албатта рақобат жараёнида барча корхоналар бир хил имкониятларга эга бўладиган бўлса, соф рақобат бўлади. Соф рақобат бўлган жойда корхоналар сони ошиб бораверади, корхоналар сони ошиши эса ўз-ўзидан яратилган маҳсулотлар ошишига олиб келади, буларнинг натижасида маҳсулотлар сифати ҳам такомиллашиб боради. Самарқанд вилоятида ҳам соф рақобат қилиши учун имкониятлар берилганлиги сабабли макроиқтисодий кўрсаткичлар йилдан йилга ўсиб борганлигини кўришимиз мумкин (1-жадвал)

1-жадвал

Самарқанд вилоятининг макроиқтисодий кўрсаткичлари динамикаси

Тармоқ номи	Ўлчов бирлиги	2016- й.	2017- й.	2018- й.	2019- й.	2020- й.	2021- йил январ-декабр *




Ялпи худудий маҳсулот	млрд. со`м	23083,3	27039,0	32863,7	39050,5	43834,7	53 749,9
	ўсиш суръати, % да	107,4	101,5	100,7	105,6	102,4	108,8
Саноат маҳсулоти	млрд. со`м	7 446,0	9 242,0	13488,1	15783,6	18072,8	22 803,3
	ўсиш суръати, % да	109,9	104,7	116,7	105,6	102,3	110,8
Истеъмол товарлари	млрд. со`м	5 079,8	5 919,2	7 848,2	8 745,3	11 677,9	14 375,8
	ўсиш суръати, % да	108,9	102,1	111,6	105,2	115,4	112,8
Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги	млрд. со`м	17625,1	22308,7	26585,9	29294,7	33629,2	41 206,1
	ўсиш суръати, % да	108,2	100,5	94,3	103,0	103,1	104,6
Асосий капиталга инвестициялар	млрд. со`м	3 623,5	4 384,2	7 061,4	10266,7	13426,0	17 722,8
	ўсиш суръати, % да	103,4	105,7	131,4	134,5	117,9	112,0
Қурилиш ишлари	млрд. со`м	2 194,9	2 342,4	3 299,0	4 527,2	5 665,9	7 228,3
	ўсиш суръати, % да	100,2	95,3	119,6	126,2	109,9	115,2
Чакана савдо товар айланмаси	млрд. со`м	7 605,2	8 973,5	11 123,1	13 877,3	16 555,1	21 004,2
	ўсиш суръати, % да	115,0	100,7	105,0	108,1	107,3	111,7
Хизматлар, жами	млрд. со`м	7 200,5	8 343,2	10043,5	12786,8	14318,7	18 656,7
	ўсиш суръати, % да	113,9	106,4	107,3	112,4	102,6	121,6
Ташқи савдо айланмаси	млн. АҚШ. Доллар	985,2	1 101,6	1 620,5	1 749,9	1 491,5	1 920,9
	ўсиш суръати, % да	108,2	111,8	147,1	108,0	85,2	128,8
Экспорт	млн. АҚШ. Доллар	259,2	259,9	315,6	398,5	335,2	530,6
	ўсиш суръати, % да	111,4	100,3	121,4	126,3	84,1	158,3
Импорт	млн. АҚШ. Доллар	726,1	841,7	1 304,9	1 351,4	1 156,4	1 390,3
	ўсиш суръати, % да	107,1	115,9	155,0	103,6	85,6	120,2
Салдо	млн. АҚШ. Доллар	-466,9	-581,7	-989,4	-952,8	-821,2	-859,7
	ўсиш суръати, % да	x	x	x	x	x	x

СМАълумотлардан кўриниб турибдики, Самарқанд вилоятида таҳлил қилинаётган давр мобайнида ялпи худудий маҳсулот, 2,32 марта кўпайган. Йиллар давомида ҳам фақат ўсиш тенденциясига эга бўлган. Энг паст ўсиш 2018 йилда 0,7 фоизга, 2017 йилда 1,5 фоиз, 2020 йилда 2,3 фоизга ошган. Энг юқори ўсиш 2021 йилда 8,8 фоизга, 2016 йилда 7,4 фоизга ва 2019 йилда 5,6 фоизга ўсганлиги кўриниб турибди (2-расм).



2-расм. 2016-2021 йиллар мобайнида Самарқанд вилоятинг ялпи ҳудудий маҳсулотининг ўсиш динамикаси.

Ялпи ҳудудий маҳсулот кўпайишига, энг аввало саноат маҳсулотлари кўпайиш кўрсаткичи ижобий таъсир қилувчи омил бўлиб ҳисобланади. таҳлил қилинаётган давр мобайнида ялпи ҳудудий маҳсулот, 2,32 марта кўпайган бўлса, саноат маҳсулоти 3,06 марта кўпайган. Демак бундан шундай хулоса қилиш мумкинки, саноат маҳсулоти таҳлил қилинаётган давр мобайнида ялпи ҳудудий маҳсулотга қараганда 1,32 марта юқорироқ ўсиш тенденциясига эга бўлган.



3-расм. 2016-2021 йиллар мобайнида Самарқанд вилоятинг саноат маҳсулотининг ўсиш динамикаси.

Таҳлил қилинаётган 2016-2021 йиллар мобайнида Самарқанд вилоятида макроиктисодий кўрсаткичлардан деярли ҳаммаси ижобий ўсиш тенденциясига эга бўлган. Жумладан: истеъмол товарлари 2,83 марта, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги 2,34



марта, асосий капиталга инвестициялар 4,89 марта, қурилиш ишлари 3,29 марта, чакана савдо товар айланмаси 2,76 марта, Хизматлар, жами 2,59 марта, Ташқи савдо айланмаси 1,95 марта, Экспорт 1,42 марта, импорт 1,91 марта ошган.

Монополияга қарши бошқарув тизимини такомиллаштиришда ахборот шаффофлигини таъминлашда ҳар бир хўжалик юритувчи субъектлар ўз фаолиятида ахборотлар очиклигини таъминлаши рақобат муҳитини янада ривожлантиришга олиб келади, бу эса ўз навбатида маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг кўпайишини ҳамда маҳсулотлар сифатини ошишини таъминлайди. Ахборотлар шаффофлиги энг аввало ҳозирги кунда тез ривожланаётган рақамли технологияларда ўз ифодасини топади.

Шунингдек, юқори технологияли ишлаб чиқариш, иқтисодий фаолият, молиявий хизматлар - интернет форматада ахборот ва коммуникация технологиялари ва шахсий ҳисоблаш қурилмалар, бизнес моделини ва бугунги иқтисодиётда истеъмолчилар нафақат ўзгарди, балки ижтимоий жараёнларни кенг ўзгартириш учун асос таълим концепциялари ва стандартлари, кўнгилочар ва дам олиш, электрон ўзаро асосланган, бу инфратузилмани, рақамли технологиялар асосида иқтисодий фаолият рақамли мақомга эга бўлган глобал иқтисодиётнинг янги тараққиёт вектори ҳисобланади.

Рақамли иқтисодиётнинг ривожланиши халқаро бизнеснинг ички ва ташқи муҳитига таъсир кўрсатиши мумкин. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида катта ўзгаришлар рўй бермоқда, бу эса компаниялар фаолиятининг турли йўналишларида акс эттирилиши мумкин эмас. Интернет орқали бутун дунё бўйлаб ўз маҳсулотларини сотишлари мумкин. Кичик инвестицияга эга бўлган компаниялар тезда пайдо бўлиб, тез ўсиб ривожланиши мумкин.

Ахборот технологиялари ёрдамида харажатларни камайтириш ва айна пайтда иқтисодиётнинг кўплаб тармоқларида меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини ошириш учун бундай имконият мавжуд. Шу билан бирга, рақамли иқтисодиётни ҳисобга олган ҳолда бозорда компанияларнинг позицияси тобора мураккаблашиб бормоқда. Стратегик қарорлар қабул қилиш жараёнида хавф ва ноаниқлик даражаси ошади. Бу ҳолат технологик даражадаги динамик ўзгаришлар, рақобатнинг ўсиши ва иқтисодиётга давлат таъсири туфайли барқарор бозор ҳолатига боғлиқ бўлмайди.

Рақамли иқтисодиётга хос бўлган технологик ўзгаришлар ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар учун янги бозор қоидаларини яратиши мумкин. Бундай муҳитда компаниялар янги рақобат стратегияларини қидириши ва рақобат самарадорлигини оширишлари керак. Омон қолиш ва айна пайтда янги шароитда ривожланиш учун компаниялар рақамли ахборот технологиялар соҳасида ўз ваколатларини оширишлари керак.

FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Ахборот ва коммуникация технологиялари таҳлили, Самарқанд, 2020
2. Антимонополь қонунчилиги ва бозор иқтисодиёти, Тошкент, 2019
3. Самарқанд вилояти макроиқтисодий кўрсаткичлари статистикаси, 2016–2021 йиллар